

## «Қалбим тоза...»



16:11 / 09.01.2023 3179

Қалб ҳақида савол бўлиб қолган эди, дарҳол жавоб топиш учун маълумотлар излашга тушдик.

Биз излаган бир қанча маълумотлар ичида фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг **«Хислатли ҳикматлар шарҳи»** китобларидан муҳим маълумот чиқди.

**«Зато қалбим пок», «Намоз ўқимасаям одамни мана бу жойи пок бўлиши керак»** деган гапларни нафақат кўча-кўйда, балки ойнаи жаҳонда ҳам бот-бот эшитадиган бўлиб қолдик. Буларга ўринли жавоб эса шайх ҳазратларининг ушбу мулоҳазаларида тайёр экан. Асардан барчамиз учун ўринли жавобни олдик. Ундаги мулоҳазалар ҳар давр учун муҳим эканлигини англаш билан бирга, ўзимизни ҳам сўроқ қилишга ундади:

«Бир инсон намоз ўқиётган бўлса, бу унинг қалбида иймон борлиги ва намознинг фарзлигини англаб етиш борлигининг аломатидир. Бошқа биров намоз ўқиётиб, кўзи аланг-жаланг бўлиб турса, қўллари билан кийимларини тўғрилаб, намозда қилиб бўлмайдиган ҳаракатларни қилаётган бўлса, бу унинг қалбида хушуъ йўқлигининг аломатидир.

Маст бўлиб юрган одамнинг мастлиги унинг қалбида Аллоҳ таолодан қўрқув йўқлигининг аломатидир. Шунингдек, ўзига фарз ва вожиб бўлган амалларни бажармай юрган одамнинг қилмиши Аллоҳ таолонинг амрига беписанд эканининг аломатидир.

Бу ўлчовларни билмайдиганлар ўзларича ўлчов ҳам қилиб олганлар. Улар «**Намоз ўқимасак ҳам, рўза тутмасак ҳам, қалбимиз пок**», дейишдан уялмайдилар. Балки бу ўта мантиқсиз гапни фахрланиб айтадилар. Бу ҳам етмагандек, қўлдан келганича ибодат қилиб юрганларни маломат ҳам қилишади. Улар қалб нима-ю, қалб поклиги нималигини биладиларми ўзи?

Гуноҳи бўла туриб гуноҳдан қўрқмайдиган бандаларини огоҳлантириб, Аллоҳ таоло шундай дейди:

**«Йўқ! Уларнинг қилган касблари қалбларига моғор бўлиб ўрнашиб қолгандир»** (Мутоффифин сураси, 14-оят).

Ҳа, инсон гуноҳ ишларни қилаверса, қалбини моғор босиб, ҳеч нарса таъсир қилмайдиган бўлиб қолади.

Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадиси шариф ворид бўлган:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Мўмин киши гуноҳ иш қилса, қалбида бир қора нуқта пайдо бўлади. Агар тавба қилиб, у гуноҳдан бутунлай қайтса, истиғфор айтса, қалби покланади. Агар (гуноҳни) зиёда қилса, (қалбидаги қора ҳам) зиёда бўлади. Мана шу Аллоҳ азза ва жалла Қуръонда зикр қилган моғордир. «Йўқ! Уларнинг қилган касблари қалбларига моғор бўлиб ўрнашиб қолгандир», дедилар».**

Аҳмад ривоят қилган.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: «**Савоб иш қалбга нур ва баданга қувват бўлур. Гуноҳ иш қалбга зулмат ва баданга беҳоллик бўлур**», деган.

Азиз ўқувчи, қуйидаги ҳавола орқали мақолани тўлиқ ўқишингиз мумкин:

[Ҳавола](#)

**Қамариддин Бекмуҳаммад**